

**Маъруза: Электромагнит
майдон энергияси ва уни
бошка турдаги энергияга
айлантириш**

Э л е к т р о м а г н и т м ай д о н и - ўзаро боғлиқ ва бирғирини хосил қилувчи электр ва магнит майдонларининг бирлиги билан ифодаланадиган материянинг бир кўринишидир. Электромагнит майдонининг тарқалиши электр ва магнит майдонлари бирлигидан иборат бўлган электромагнит энергиясининг харакати билан биргаликда кечади. Электр ва магнит майдонларининг ўзгаришига электр энергиясининг магнит, магнит энергиясининг электр энергиясига айланиши мос келади.

Электромагнит майдони турли хил кўринишларда мавжуд (намоён) бўлиши мумкин: электр майдони, магнит майдони, электромагнит тўлқинлари, электр токи ва бошқа электр ва магнит ходисалари. Ушбу кўринишлар эса ўзларига мос: электростатик, магнит, электромагнит, электродинамик ва бошқа энергия турларини етказиб беради. Электродинамик ёки электр энергиясининг кўпроқ қўлланишига асосий сабаб уни хосил қилиш, узатиш ва бошқа электр, ноэлектр энергия турларига осон айлантирилишидир.

Харакатланмайдиган бир жинсли ва изотроп мухитда ўзгарувчан электр майдони учун түлиқ тенгламалар системаси қуидаги күринишга эга:

$$\begin{aligned} \text{rot } \bar{\mathbf{H}} &= \bar{\mathbf{J}} ; \quad \text{rot } \bar{\mathbf{E}} = -\partial \bar{\mathbf{B}} / \partial \tau ; \quad \bar{\mathbf{j}} = \gamma \bar{\mathbf{E}} + \partial \bar{\mathbf{D}} / \partial \tau + \rho \bar{\mathbf{v}} ; \\ \bar{\mathbf{D}} &= \epsilon_a \bar{\mathbf{E}} ; \quad \bar{\mathbf{B}} = \mu_a \bar{\mathbf{H}} ; \quad \text{div } \bar{\mathbf{D}} = \rho ; \quad \text{div } \bar{\mathbf{B}} = 0 \end{aligned}$$

бундан

$\bar{\mathbf{H}}$ - магнит майдон кучланганлиги, А/м;

$\bar{\mathbf{J}}$ - түлиқ ток зичлиги, А/м²;

$\bar{\mathbf{E}}$ - магнит индукцияси, Тл; тұвақт, с;

e - солиширима электр ўтказувчанлиги, См/м;

D - электр индукцияси, Кл/м²;

v - әркин зарядлар харакат тезлиги, м/с;

ϵ_a - модданинг абсолют диэлектрик сингдирувчанлиги, Ф/м;

μ_a - модданинг абсолют магнит сингдирувчанлиги, Гн/м.

Моддий мухитларда электр майдонининг асосий кўринишларидан биригэлектр токи. Тўла ток зичлиги (1.3) куйидагилардан иборат: ўтиш токи зичлиги

$$\bar{j}_{ym} = \gamma \bar{E}$$

электр майдон кучланганлиги \bar{E} га пропорционал;
электр силжиш токи зичлиги,

$$\bar{j}_{ сил} = \frac{\partial \bar{D}}{\partial \tau} = \varepsilon_a \frac{\partial \bar{E}}{\partial \tau}$$

электр майдон кучланганлиги нинг ўзгариш тезлигига пропорционал; сийрак газли мухитда зарядларни ташиш токи зичлиги

$$\bar{j}_{таш} = \rho \bar{v}$$

зарядлар харакат тезлиги га пропорционал.

Ташиш токи электротермияда, электрон вакуумли ва бошқа лампаларда фойдаланиладиган электрон пушкаларда кузатилади. $j_{\text{ют}}$ ва $j_{\text{сил}}$ токлари зичлиги асосий қийматларга эга бўлгани учун, улар қўпроқ ўрганилади.

Электр майдони энергиясининг хажмий зичлиги $\bar{D} = \epsilon_a \bar{E}$ нинг чизикли боғлиқлигига) қуидагида ифодаланади

$$W_e = \frac{1}{2} \epsilon_a E^2$$

Магнит майдони энергиясининг хажмий зичлиги (\bar{B} ва \bar{E} орасидаги чизиқли боғлиқликда) эса қуидагида ифодаланади

$$W_M = \frac{1}{2} \mu_a H^2$$

Электромагнит майдони энергиясининг хажмий зичлиги

$$W = \frac{1}{2} (\epsilon_a E^2 + \mu_a H^2)$$

Электромагнит тўлқинлари кўринишида узатиладиган энергия Максвелл қонунига асосан моддий мухитларда қуидаги тезликда тарқалади

$$v = 1 / (\sqrt{\epsilon_o} \mu_o \sqrt{\epsilon \mu}) = C / \sqrt{\epsilon \mu}$$

бундан ϵ_0 - электр доимийси ($8,85 \cdot 10^{-12} \text{ Ф/м}$); μ_0 - $1,26 \cdot 10^{-6} \text{ Гн/м}$ га тенг бўлган магнит доимийси; ϵ - нисбий диэлектрик сингдирувчанлик; μ - модданинг нисбий магнит сингдирувчанлиги; с $1 / \sqrt{\epsilon_o \mu_o}$ - такрибан $3 \cdot 10^8 \text{ м/с}$ га тенг бўлган электромагнит тўлқинларининг вакуумдаги тезлиги.

Электромагнит тўлқинларининг хавода тарқалиш тезлиги $v/c \approx 3 \cdot 10^8 \text{ м/с}$ ($\epsilon \approx 1$, $\mu \approx 1$).

Электромагнит майдонида энергиянинг харакати Пойнting вектори билан ифодаланади

$$\bar{P} = \begin{bmatrix} - \\ \bar{E} \bar{H} \end{bmatrix}$$

яъни, вақт бирлигига энергия харакати йўналишига перпендикуляр майдон бирлигига мос келувчи электромагнит тўлқинлари етказиб берувчи энергия оқими($\text{В}\cdot\text{А}/\text{м}^2$)ни ифодалайди. \bar{E} ва \bar{H} векторларига перпендикуляр векторнинг йўналиши энергиянинг харакат йўналишигағэлектромагнит тўлкинлар тарқалишига мос тушади. Электромагнит тўлқинлар оқими қисман қайтади, қисман ютилади ва ўтказиб юборилади. Ютилган энергия материал ичидаги электромагнит майдонини ўзгартиришга сарф бўлади.

Вақт биргилида чегараланган A юзали қандайдир v хажмга тушувчи энергия,

$$\bar{S} = - \oint_A \bar{P} d \bar{A} = - \oint_A \begin{bmatrix} - \\ \bar{E} \bar{H} \end{bmatrix} d \bar{A}$$

Интеграл олдидаги минус белгиси жисм элементар юзаси (dA) га, нормалга қарамағарши энергия оқими жисм ичига йўналганлигини ифодалайди. Умуман, энергия оқимиғимусбат миқдор, чунки скаляр кўпайтма $[\bar{P}dA] < 0$. Кўйилган масаланинг конкрет шартлари учун мухитлар чегараси юзасида чегаравий шартларни хисобга олиб ва (1.17) тенгламадан фойдаланиб \bar{E} ва \bar{H} га нисбатан электромагнит майдони тенгламалар системасини ечиб, жисмга тушувчи энергия оқимини аниқлаш мумкин.

Электромагнит майдон энергиясининг бошқа турларга айланиши электромагнит тўлқинларнинг мухитларда ютилиши хисобига амалга ошади. Бошқа турга айлантириш йўналиши ва интенсивлиги мухитнинг электрофизик хоссалари ва майдон частотасига боғлиқ. Энергия ютилишининг асосий шарти мухитда “электромагнит энергиясини қабул қилувчи” - майдоннинг тебраниш частотасидан унчалик фарқ қилмайдиган тебраниш частотасига эга бўлган элементар эркин ёки боғлиқ электр зарядларининг бўлишидир. Бу икки частота қанчалик яқин бўлса энергия шунчалик кўп ютилади.

Ўтказгичларда майдоннинг нисбатан кичик частоталарида “эркин” электронлар ёки токлар харакатга келадилар, натижада электрон ёки ионли ўтказувчанлик токлари пайдо бўлади.

Металлар боғлиқ зарядларининг паст частоталарга нисбатан сезувчанлиги пастдир, частотаси 1 МГц дан юқори электромагнит тўлқинларини эса металлар қайтарадилар. Диэлектрикларда юқори частотали электромагнит тўлқинларини “қабул қилувчилар”- электр силжиш токларини хосил қилувчи боғлиқ зарядлардир.

Электромагнит тўлқинлари ютувчи мухитда тарқалиш йўналиши бўйлаб кучсизланиб боради. Пойнting вектори билан аниқланадиган энергия оқими мухит сиртидан “Z” масофанинг функцияси хисобланади ва экспоненциал қонунга асосан камаяди

$$S_z = S_e \exp(-2kz)$$

бунда S_e – мухит сиртидаги энергия оқими, В А/м²; k-тўлқиннинг сўниш коэффициенти, м⁻¹.

Демак, тўлқинларнинг сўниш интенсивлиги, яъни энергия ютилиши мухитнинг электрофизик хоссалари ва майдон частотасининг функцияси бўлган сўниш коэффициенти k билан аниқланади. Ютувчи мухит учун бу коэффициент қуйидаги формула ёрдамида ифодаланади

$$k = \varpi \sqrt{\frac{\mathcal{E}_a \cdot \mu_a}{2} \left[\sqrt{1 + \left(\frac{\gamma}{\varpi E a} \right)^2} - 1 \right]}$$

бунда $\omega=2\pi f$ -майдоннинг бурчак тезлиги, рад/с.